

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

Рўйхатга олинди  
№ 110 3-39  
2017 йил



“Психология”

йўналиши бўйича олий таълим муассасалари педагог кадрларини  
кайта тайёрлаш ва малакасини ошириш курсининг ўкув дастури

Тошкент – 2017

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИ ПЕДАГОГ ВА РАҲБАР КАДРЛАРИНИ ҚАЙТА  
ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШНИ ТАШКИЛ  
ЭТИШ БОШ ИЛМИЙ-МЕТОДИК МАРКАЗИ**

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ПЕДАГОГ  
КАДРЛАРИНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ  
ОШИРИШ ТАРМОҚ (МИНТАҚАВИЙ) МАРКАЗИ**

*Қайта тайёрлаш ва малака ошириши курсининг ўқув дастури Олий ва ўрта  
махсус, касб-хунар таълими йўналишлари бўйича ўқув-услубий бирлашмалар  
фаолиятини Мувофиқлаштирувчи кенгашининг  
2017 йил 18 августдаги 4 - сонли баённомаси билан маъқулланган*

Тузувчилар:

“Ўзбекистон Республикаси Президентининг асарларида жамият ривожи ва таълим-тарбия масалалари” модули: с.ф.д., проф. И.Эргашев, ф.ф.д., проф. М.М.Қаххарова.

“Таълим-тарбия жараёнларини ташкил этишнинг қонунчилик нормалари” модули: ю.ф.н., доц. В.Топилдиев, ю.ф.н., доц. О.Х.Нарзуллаев.

“Инновацион таълим технологиялари ва педагогик компетентлик” модули: п.ф.д., проф. Н.А.Муслимов, п.ф.н. М.Т.Мирсолиева, ўқитувчилар И.А.Эшмаматов, К.Рискулова.

“Электрон педагогика асослари ва педагогнинг шахсий, қасбий ахборот майдонини лойихалаш” модули: ф-м.ф.н., доц. Х.Холмедов, катта ўқитувчилар В.Ҳамидов, М.Файзиева, ўқитувчилар Т.Шаймардонов, А.Обидов.

“Амалий хорижий тил” модули: катта ўқитувчилар. У.Гиясова, Ф.Бойсариева; Ўзбекистондаги Британия Кенгашининг етакчи мутахассислари.

“Олий таълим жараёнини бошқаришда тизимли таҳлил ва қарорлар қабул қилиш технологиялари” модули: ф.ф.д., проф. Р.Самаров, пс.ф.н., доц. Х.М.Алимов, ф.-м.ф.н., доц. А.З.Каримов.

**Махсус фанлар бўйича:** психол.ф.д., Д.Г.Мухамедова, п.ф.н., К.Қодиров, психол.ф.н., доц. Н.М.Мажидов, психол.ф.н., доц. А.И.Расулов, психол.ф.н., доц. Ў.Б.Шамсиев

**Хорижлик мутахассис:** проф. Ж.Т.Тощенко (Россия)

Тақризчилар:

Психол.ф.д., проф. Ф.Б.Шоумаров,  
Психол.ф.н. А.Шамшитова

Ўқув дастури ЎзМУ Кенгашининг қарори билан тасдиқса тавсия қилинган  
(2017 йил 28 июндаги 10 - сонли баённома).

## **КИРИШ**

Дастур Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 12 июндаги “Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чоратадбирлари тўғрисида”ги ПФ-4732-сонли, 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сонли Фармонлари, шунингдек 2017 йил 20 апрелдаги “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чоратадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2909-сонли қарорида белгиланган устивор вазифалар мазмунидан келиб чиқсан ҳолда тузилган бўлиб, у замонавий талаблар асосида қайта тайёрлаш ва малака ошириш жараёнларининг мазмунини такомиллаштириш ҳамда олий таълим муассасалари педагог кадрларининг касбий компетентлигини мунтазам ошириб боришни мақсад қиласди.

Дастур мазмуни олий таълимнинг норматив-хуқуқий асослари ва конунчилик нормалари, илгор таълим технологиялари ва педагогик маҳорат, таълим жараёнларида ахборот-коммуникация технологияларини қўллаш, амалий хорижий тил, тизимли таҳлил ва қарор қабул қилиш асослари, маҳсус фанлар негизида илмий ва амалий тадқиқотлар, технологик тараққиёт ва ўқув жараёнини ташкил этишнинг замонавий услублари бўйича сўнги ютуқлар, педагогнинг касбий компетентлиги ва креативлиги, глобал Интернет тармоғи, мультимедиа тизимлари ва масофадан ўқитиши усулларини ўзлаштириш бўйича янги билим, кўникма ва малакаларини шакллантиришни назарда тутади.

Дастур доирасида берилётган мавзулар таълим соҳаси бўйича педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш мазмуни, сифати ва уларнинг тайёргарлигига қўйиладиган умумий малака талаблари ва ўқув режалари асосида шакллантирилган бўлиб, бу орқали олий таълим муассасалари педагог кадрларининг соҳага оид замонавий таълим ва инновация технологиялари, илфор хорижий тажрибалардан самарали фойдаланиш, ахборот-коммуникация технологияларини ўқув жараёнига кенг татбиқ этиш, чет тилларини интенсив ўзлаштириш даражасини ошириш ҳисобига уларнинг касб маҳоратини, илмий фаолиятини мунтазам юксалтириш, олий таълим муассасаларида ўқув-тарбия жараёнларини ташкил этиш ва бошқаришни тизимли таҳлил қилиш, шунингдек, педагогик вазиятларда оптимал қарорлар қабул қилиш билан боғлиқ компетенцияларга эга бўлишлари таъминланади.

Қайта тайёрлаш ва малака ошириш йўналишининг ўзига хос хусусиятлари ҳамда долзарб масалаларидан келиб чиқсан ҳолда дастурда тингловчиларнинг маҳсус фанлар доирасидаги билим, кўникма, малака ҳамда компетенцияларига қўйиладиган талаблар такомиллаштирилиши мумкин.

Қайта тайёрлаш ва малака ошириш курсининг ўқув дастури қўйидагимодуллар мазмунини ўз ичига қамраб олади:

## **I. Олий таълимнинг норматив-хуқуқий асослари**

1.1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг асарларида жамият ривожи ва таълим-тарбия масалалари.

1.2. Таълим-тарбия жараёнларини ташкил этишнинг қонунчилик нормалари.

## **II. Илғор таълим технологиялари ва педагогик маҳорат**

2.1. Инновацион таълим технологиялари ва педагогик компетентлик.

### **2.2. Таълимда илғор хорижий тажрибалар**

## **III. Таълим жараёнларида ахборот-коммуникация технологияларини қўллаш**

3.1. Электрон педагогика асослари ва педагогнинг шахсий, касбий ахборот майдонини лойиҳалаш.

3.2. Психологик маълумотларни компьютерда қайта ишлаш.

## **IV. Амалий хорижий тил**

4.1. Амалий хорижий тилни ўрганишнинг интенсив усуллари.

## **V. Тизимли таҳлил ва қарор қабул қилиш асослари**

5.1. Олий таълим жараёнини бошқаришда тизимли таҳлил ва қарорлар қабул қилиш технологиялари.

5.2. Психологияда тизимли таҳлил

## **VI. Махсус фанлар**

### **6.1. Замонавий психология назарияси ва амалиётининг долзарб масалалари**

6.2. Тадбиқий ижтимоий психология

## **VII. Педагогик амалиёт**

## **VIII. Малакавий аттестация**

## **Курснинг мақсади ва вазифалари**

Олий таълим муассасалари педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш курсининг **мақсади** педагог кадрларнинг ўқув-тарбиявий жараёнларни юксак илмий-методик даражада таъминлашлари учун зарур бўладиган касбий билим, кўникма ва малакаларини мунтазам янгилаш, малака талаблари, ўқув режа ва дастурлари асосида уларнинг касбий компетентлиги ва педагогик маҳоратини доимий ривожланишини таъминлашдан иборат.

Курснинг **вазифаларига** куйидагилар киради:

- “Психология” йўналишида педагог кадрларнинг касбий билим, кўникма, малакаларини узлуксиз янгилаш ва ривожлантириш;
- замонавий талабларга мос ҳолда олий таълимнинг сифатини таъминлаш учун зарур бўлган педагогларнинг касбий компетентлик даражасини ошириш;
- педагог кадрлар томонидан замонавий ахборот-коммуникация технологиялари ва хорижий тилларни самарали ўзлаштирилишини таъминлаш;
- маҳсус фанлар соҳасидаги ўқитишнинг инновацион технологиялари ва илгор хорижий тажрибаларни ўзлаштириш;
- “Психология” йўналишида ўқув жараёнини фан ва ишлаб чиқариш билан самарали интеграциясини таъминлашга қаратилган фаолиятни ташкил этиш.

## **Курс якунида тингловчиларнинг билим, кўникма ва малакалари ҳамда компетентлигига қўйиладиган талаблар:**

“Олий таълимнинг норматив ҳуқуқий асослари”, “Илғор таълим технологиялари ва педагогик маҳорат”, “Таълим жараёнида ахборот-коммуникация технологияларини қўллаш”, “Амалий хорижий тил”, “Тизимли таҳлил ва қарор қабул қилиш асослари” модуллари бўйича тингловчиларнинг билим, кўникма ва малакаларига қўйиладиган талаблар тегишли таълим соҳаси бўйича педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш мазмуни, сифати ва уларнинг тайёргарлиги ҳамда компетентлигига қўйиладиган умумий малака талаблари билан белгиланади.

Маҳсус фанлар бўйича тингловчилар куйидаги янги билим, кўникма, малака ҳамда компетенцияларга эга бўлишлари талаб этилади:

### **Тингловчи:**

- Психология соҳасидаги янги авлод ахборот коммуникация технологиялари ва оммавий коммуникация воситалари, уларнинг янги тамойилларини **билиши** керак.

### **Тингловчи:**

- психология фанининг асосий категориялари;
- психология фанининг янги ютуқлари;

- назорат жараёнини ташкил этиш;
- фан доирасида интерфаол технологиялар ва улардан самарали фойдаланиш хақида **билимларга эга бўлиши**;

**Тингловчи:**

- психологик билимларни модуллаштириш;
- назорат жараёнини тез ва самарали ўтказа олиш;
- назоратнинг турли шаклларидан самарали фойдаланиш;
- фан доирасида интерфаол методларни мақсадли равища тўғри танлаш ва фойдаланиш **кўникмаларини эгаллаши**;

**Тингловчи:**

- ўқув курсининг модулинин тузиш;
- тингловчиларнинг мустақил амалий фаолиятини ташкил этиш;
- кириш ва чиқиш назоратини ташкил этиш, эришилган натижаларни таҳлил этиш;
- интерфаол методлардан фойдаланиш **малакаларини эгаллаши**;

**Тингловчи:**

- ўз соҳасига оид ахборотни мантиқий блокларга ажратиш ва аниқ, лўнда, тушунарли равища баён этиш;
- модулли ёндашув асосида ўқув жараёнини ташкил этиш;
- технологик ёндашув асосида таълим ва тарбия жараёнини бошқариш;
- коммуникативликни ва мустақил фаолиятни ташкил этиш юзасидан **компетенцияларни эгаллаши лозим**.

### **Курснинг ҳажми**

Қайта тайёрлаш ва малака ошириш курси 288 соатни ташкил этади. Ўқув юкламаси ҳафтасига 36 соат этиб белгиланган. Қайта тайёрлаш ва малака ошириш ўйналиши бўйича таълим дастурларини тўлиқ ўзлаштирган ва Аттестациядан муваффақиятли ўтган курс тингловчиларига Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 12 июндаги ПФ-4732-сон Фармони З-иловаси билан тасдиқланган давлат намунасидаги малака аттестати берилади.

## **“Психология” йўналиши бўйича қайта тайёрлаш ва малака ошириш курсининг ўқув модуллари ва уларнинг мазмуни**

### **I. Олий таълимнинг норматив-ҳуқуқий асослари**

#### **1.1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг асарларида жамият ривожи ва таълим-тарбия масалалари.**

Мустақил демократик тараққиёт ва жамият ривожи. Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти И.А.Каримов асарларида жамият ривожига доир янгича назарий-концептуал ғоялар. Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев демократик ислоҳотларни изчил давом эттириш тўғрисида. Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатларини ҳимоя қилиш – давлат сиёсатини устувор йўналиши. Халқ қабулхоналари ва виртуал марказларининг ташкил этилиши. Халқ давлат идоралари учун эмас, давлат идоралари халқ учун ишлашининг зарурлиги. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб интизом ва шахсий жавобгарлик раҳбар фаолиятининг асоси эканлиги. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясининг ишлаб чиқилиши, унинг устувор йўналишлари. Ўзбекистон ижтимоий ҳаётида амалга оширилаётган туб демократик ўзгаришлар. Таълим соҳасидаги ислоҳотлар, модернизациялаш ва интеграциялашиш жараёнлари. Жамиятдаги ўзгаришларда ёшларнинг иштироки. Ўзбекистон Ёшлар иттифоқининг ташкил этилиши ва унинг аҳамияти.

#### **1.2. Таълим-тарбия жараёнларини ташкил этишнинг қонунчилик нормалари.**

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тушунчаси ва турлари. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқиш ва амалга киритиш тартиби. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. “Таълим тўғрисида”ги Қонун. Кадрлар тайёрлаш миллий дастури. Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг босқичлари ва асосий йўналишлари.

Коррупцияга қарши курашнинг қонуний асослари ва унинг олдини олишнинг омиллари. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 2 февралдаги “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг қоидаларини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2752-сонли қарорининг мазмун-моҳияти.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 20 майдаги “Олий таълим муассасаларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ва юқори малакали мутахассислар тайёрлаш сифатини тубдан яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-1533-сон Қарори, 2015 йил 12 июндаги “Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-4732-сон Фармони, 2016 йил 30 ноябрдаги “Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2015 йил 12 июндаги

ПФ-4732-сон Фармонига ўзгартириш ва қўшимча киритиш тўғрисида”ги ПФ-4860-сонли, 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сонли, 2017 йил 16 февралдаги “Олий ўқув юртидан кейинги таълим тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги ПФ-4958-сонли, 2017 йил 20 апрелдаги “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПК-2909-сонли Қарор ва бошқалар.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 5 январдаги “Узлуксиз таълим тизими учун давлат таълим стандартларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш тўғрисида”ги 5-сон Қарори, 1998 йил 5 январдаги “Узлуксиз таълим тизимини дарсликлар ва ўқув адабиётлари билан таъминлашни такомиллаштириш тўғрисида”ги 4-сон Қарори, 2001 йил 16 августдаги “Олий таълимнинг давлат таълим стандартларини тасдиқлаш тўғрисида”ги 343-сон Қарори, 2006 йил 10 февралдаги “Олий таълим муассасасига педагогларни танлов асосида ишга қабул қилиш тартиби тўғрисида”ги Низомни тасдиқлаш хусусидаги 20-сонли Қарори, 2012 йил 26 сентябрдаги “Олий таълим муассасалари педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 278-сонли Қарори, 2015 йил 10 январдаги “Олий таълимнинг давлат таълим стандартларини тасдиқлаш тўғрисида” 2001 йил 16 августдаги 343-сонли қарорига ўзгартариш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги 3-сонли Қарори, 2015 йил 20 августдаги “Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишни ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 242-сонли қарори, 2015 йил 2 марта “Магистратура тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги 36-сонли қарори, 2016 йил 2 майдаги “Ўзбекистон Республикаси таълим муассасаларини давлат аккредитациясидан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартариш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги 136-сонли қарори ва бошқалар.

Давлат таълим стандартлари, ўқув режалари ва фан дастурлари тушунчаси ва уларга қўйиладиган талаблар. “Олий таълим муассасаларида талabalар билимини назорат қилиш ва баҳолашнинг рейтинг тизими тўғрисида”ги Низом. “Ўзбекистон Республикаси олий таълим муассасалари талabalарининг малакавий амалиёти тўғрисида” ги Низом. “Ўзбекистон Республикаси олий таълим муассасалари битирувчиларининг якуний давлат аттестацияси тўғрисида”ги Низом. Олий таълим муассасаларида мустақил таълимни ташкил этиш тартиби тўғрисида”ги Низом. “Магистратура тўғрисида”ги Низом. “Очиқ лекцияларни ташкил этиш ва ўтказиш тартиби тўғрисида” ги Низом ва бошқа меъёрий хужжатлар.

Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлигининг 2016 йил 2 майдаги “Ўзбекистон Республикаси таълим муассасаларини давлат аккредитациясидан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартариш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги 136-сонли буйруғи, 2017 йил 1 марта «Янги ўқув услубий мажмуаларни тайёрлаш бўйича услубий кўрсатмани тавсия этиш тўғрисида»ги 107-сонли буйруғи, 2017 йил 13 марта «Олий таълим муассасалари кафедралари Кенгашларини ташкил этиш тўғрисида»ги 138-сонли буйруғи, 2015 йил 7 апрелдаги “Олий таълим муассасалари талabalari республика фан олимпиадаси тўғрисида»ги 123-сонли

буйруғи, 2017 йил 24 апрелдаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Олий таълим тизимини янада ривожлантиришнинг чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2017 йил 20 апрелдаги Қарорини ижроси тўғрисидаги 244-сонли буйруғи, 2017 йил 26 майдаги “Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 2017 йил 20 майдаги 304-сонли Қарори ижроси тўғрисида”ги 342-сонли буйруғи.

## **П. Илғор таълим технологиялари ва педагогик маҳорат**

### **2.1. Инновацион таълим технологиялари ва педагогик компетентлик.**

Инновацион таълим технологияларининг моҳияти, турлари ва назарий асослари. Инновацион жараёнларнинг кечиш босқичлари.

Олий таълим муассасаларида ўқув жараёнини ташкил этишининг инновацион шакл, метод ва воситалари.

Шахсга йўналтирилган таълим технологияларининг мазмунни, йўналишлари. Таълим олувчиларнинг билиш фаоллигини ошириш ва мустақил таълимини ташкил этиш асосидаги инновацион таълим технологиялари: амалий ўйинлар, муаммоли ўқитиши, интерфаол таълим, модулли-кредит тизими, case study (кейс стади), маҳорат дарслари, ассисмент методларидан ўқув-тарбия жараёнида фойдаланиш. Ўқув лойиҳаларини ишлаб чиқиши ва амалиётга татбиқ этиш.

Педагог касбий компетентлигининг тузилиши ва мазмунни. Педагогнинг психологияк, методик, информацион, креатив, инновацион компетентлиги мазмун-моҳияти. Педагогик маҳорат асослари ва таркибий қисмлари. Ўқитувчининг коммуникатив компетентлиги, педагогик жараёнда мулокот услубларини тўғри танлаш ва улардан самарали фойдаланиш. Педагогик деонтология. Аудиторияда шахслараро муносабатларни самарали ташкил этиш ва гурӯхни оптимал бошқариш. Педагогик низоларни самарали ҳал этиш йўллари. Замонавий педагог имиджи ҳамда ўқитувчининг ўз-ўзини касбий ва шахсий такомиллаштириб бориши.

Креативлик-педагогик ижодкорликнинг асоси сифатида. Олий таълим педагог кадрларининг креатив потенциали тушунчаси ва моҳияти. Педагогларда креатив компетентликни шакллантиришнинг зарурий шарт-шароитлари, моделлари. Касбий фаолиятда позитив-фаол мотивация ва педагог кадрларнинг креатив потенциалини баҳолаш мезонлари.

### **2.2. Таълимда илғор хорижий тажрибалар.**

Дунёning ривожланган давлатларида таълим тизимининг ташкил этилиши. Таълимнинг Европа модели. Америка модели. Осиё модели.

Ўқув жараёнининг норматив-хуқуқий асослари (таълим стандартлари, ўқув режа, фан дастури ва локал хужжатлар) бўйича хорижий тажрибалар ва уларнинг қиёсий таҳлили.

Таълим жараёнини самарали ташкил этишда илғор таълим методикалари. Ўқув жараёнини ташкил этиш шакллари.

Психология фанининг ривожланишига сўнгги ўн йилда ривожланган хорижий мамлакатларда ҳамда республикамида хисса кўшган соҳанинг етук олимлари ва улар томонидан яратилган илмий назариялар. Илмий мактаблар, кашфиётлар натижаси, психология ва коммуникация соҳаси бўйича нашр этилган сўнгги ўқув ва илмий адабиётлар таҳлили. Психология фанининг жорий ҳолати ва истиқболдаги вазифалари.

### **III. Таълим жараёнларида ахборот-коммуникация технологияларини қўллаш**

#### **3.1. Электрон педагогика асослари ва педагогнинг шахсий, қасбий ахборот майдонини лойиҳалаш.**

Замонавий ахборот- коммуникация технологиялари ва улардан таълим жараёнида фойдаланиш имкониятлари.

Педагогик фаолиятда амалий дастурий воситалардан фойдаланиш. Microsoft Office пакетининг замонавий версиялари таснифи. Microsoft Office пакети дастурларида (MS Word, MS Excel, MS Power Point ва б.) ўқув-методик материалларини яратиш усуллари.

Web 2.0/3.0 технологиялари. Педагогик дастурий воситалар. Муаллифлик дастурлари (Ispring Free, Articulate ва бошқ.) ва улардан фойдаланган ҳолда мультимедиали электрон ўқув ресурсларини яратиш.

Компьютер тармоқлари. Интернет технологиялари характеристикиси. Интернет тармоғининг асосий хизматлари ва унда мулоқот турлари. Интернет ресурсларидан таълимда фойдаланиш. Ziyouet.uz таълим портали. Google асбоб ускуналари ва хизматлари (сервислари)дан фойдаланган ҳолда ўқув жараёнини ва ахборот таълим майдонини лойиҳалаш. Электрон портфолио ва унда ишлаш технологиялари.

Масофавий таълим ва уни ташкил этиш асослари. Moodle масофавий таълимни бошқариш тизимида ўқув ресурсларини яратиш ва жойлаштириш.

Ахборотга таҳдидлар. Ахборотни ҳимоялашнинг замонавий восита ва усуллари. Идентификация ва аутентификация жараёнлари.

#### **3.2. Психологик маълумотларни компьютерда қайта ишлаш.**

Компьютерлаштирилган психодиагностик методларни қўллашнинг қоғоз-карам усулига нисбатан афзаллик жиҳатлари. Психодиагностик фаолиятнинг барча босқичларини тўлиқ компьютерлаштиришнинг камчиликлари. Психодиагностикада компьютерлардан фойдаланиш учун янги имкониятларининг очилиши. Синов-ташхис ишларини компьютерлаштиришнинг истиқболлари.

SPSS дастурини ишга тушириш, иш параметрларини ўрнатиш. Маълумотлар файлларини очиш. Таҳлил жараёнларини ишга тушириш. Ускуналар панели. Маълумотларни таҳрир қилиш ойнаси. Таҳлил жараёнларини ишга тушириш. Чиқариш ойнаси. Чиқариш элементларини кўчириш. Чиқариш элементларини ўчириш. Чиқариш элементларини созлаш. SPSS кўрсатмалари тизими. SPSS

қўлланмаси. Интерактив кўрсатмалар. Контекстли кўрсатмалар. Статистика бўйича репетитор. Таҳлил намуналари. SPSSда ишни якунлаш.

Ўлчов шкалалари ва маълумот турлари. Таҳлил учун маълумот манбалари. Маълумотларни ташкил этиш хусусиятлари. Статистик таҳлил режаси. Қайд этиш учн саволлар. Маълумотларни кодлаштириш усуллари. Маълумотларни киритиш усуллари. Электрон жадваллардан маълумотларни киритиш. Ўзгарувчиларнинг хусусиятлари. Ўлчов шкаласи турини ўзгартириш. Ўзгарувчиларни белгилаш. Қийматларни белгилаш. Тушириб қолдирилган қийматларни аниқлаш. Ўзгарувчиларнинг бошқа хусусиятлари. Ўзгарувчиаларнинг хусусиятларини кўчириш ва жойлаштириш.

#### **IV. Амалий хорижий тил**

##### **4.1. Амалий хорижий тилни ўрганишнинг интенсив усуллари.**

Хорижий тилни ўқитиши ва ўрганишдаги ислоҳотлар. Тил бўйича Европа стандарти ва унинг талқини. Тил алоқа (коммуникация) воситаси сифатида ва тилга оид билим ва кўнікмаларни шакллантириш усуллари. Тилни ўрганишда муваффақиятга эришиш шарт-шароитлари: касбий интерактив мулоқот муҳити, мулоқот клубларини ташкил этиш, ўзининг тил кўнікмалари даражасини баҳолаш ва бошқ. Хорижий тилни ўрганишда грамматиканинг аҳамияти (грамматика ва лексика-B1-B2 оралиғида). Тил ўрганишда ўқитувчи ва ўрганувчиларни роли. Тил ўрганиш учун зарур ўқув-аудио, методик ва онлайн ресурслар. Тили ўрганилаётган мамлакат маданиятини билишнинг аҳамияти. Маданиятлараро мулоқот компетенцияси (ўзбек ва хорижий тилда сўзлашувчи халқлар маданияти, урф-одатлари, анъаналари хақида чет тилида гапира олиш).

Мулоқот мавзулари: кундалик ҳаётга оид (шахсий маълумот, оила ҳақида маълумот, бўш вақтни ўтказиш ва ҳоказо) ижтимоий ҳаётга доир, таълимга ва касбга йўналтирилган мавзулар.

Мутахассисликка оид матнларни ўқиши, уларни тушуна олиш, оғзаки баён эта олиш, ўз фани бўйича ўқув жараёнини ташкил этишда соҳага оид хорижий тилдаги атамалардан фойдаланиш.

#### **V. Тизимли таҳлил ва қарор қабул қилиш асослари**

##### **5.1. Олий таълим жараёнини бошқаришда тизимли таҳлил ва қарорлар қабул қилиш технологиялари.**

Тизимли таҳлил назарияси фанлараро назария сифатида. Тизим ва тизимнинг белгилари. Тизимлар классификацияси. Тизим структураси. Тизимли таҳлилнинг мақсади ва вазифалари. Тизимли синтез. Педагогик фаолиятда тизимли таҳлил. Педагогик тизим ва унинг тузилиши. Педагогик вазиятларнинг тизимли таҳлилини амалга ошириш. Тизимли таҳлилни амалга оширишнинг асосий босқичлари. Тизимли таҳлилни амалга ошириш моделлари. Тизимли таҳлилни амалга ошириш методлари.

Қарор тушунчаси ва унинг асосий вазифалари. Қарор турлари ва уни қабул қилиш усуллари. Қарорларга қўйиладиган асосий талаблар.

Қарор варианларини тайёрлаш технологияси. Қарор қабул қилиш жараёни ва педагог шахси. Қарорларни қабул қилиш жараёнига таъсир кўрсатувчи асосий омиллар. Педагогик жараённи бошқаришда қарорларнинг ўрни. Қарор натижаларини баҳолашнинг экспертли ва прогностик методлари. Қарорлар самарадорлигини баҳолаш мезонлари. Қабул қилинган қарорлар ижросини таъминлаш механизми. Педагогик фаолиятда қарор қабул қилиш технологияси. Қарорлар ижросининг назорати.

## **5.2. Психологияда тизимли таҳлил.**

Психология фанида тизимли таҳлилдан фойдаланиш эволюцияси. Психологик тадқиқотларни амалга оширишда тизимли таҳлил усулини қўллаш тамойиллари. Психологик жараён ва ҳолатларни тизим сифатида ўрганиш. Тизимли таҳлил методологияси. Психологияда тизимли таҳлил усулидан фойдаланишнинг хусусий қонуниятлари. Психологик тадқиқотларда тизимли таҳлил усулидан фойдаланишда хусусийлик ва умумийлик. Тизимли таҳлил методлари ёрдамида психологик феноменларни ўрганиш техникаси. Тизимли таҳлилда микдорий ва сифат кўрсаткичларни шарҳини амалга ошириш. Тизимли таҳлил усулидан психологик жараён ва ҳолатларни ўрганишда фойдаланиш механизми. Тизимли таҳлил воситасида амалга оширилган психологик тадқиқотлар натижасини манба шаклига келтириш.

## **VI. Махсус фанлар**

### **6.1. Замонавий психология назарияси ва амалиётининг долзарб масалалари.**

Замонавий психологиянинг назарий-методологик асослари. Психология фани обьекти ва предметига хос умумий тасавурлар. Психологиянинг фанлар тизимида тутган ўрни. Психологиянинг табиий, фалсафий ва ижтимоий фанлар билан ўзаро алоқаси. Инсон ҳақидаги билимлар ривожида психологиянинг роли. «Психика», «онг», «онгсизлик» тушунчаларининг ўзаро боғлиқлиги.

Психология фани предметини тушунишдаги тарихий ёндашувлар. Онг – психологик тадқиқотлар предмети сифатида. Фундаментал ва амалий психология ривожи учун психоанализнинг аҳамияти. Гештальтпсихологиянинг вужудга келиши ва психик ҳаёт тушунчасига мақсадли ёндашув.

Психологиядаги гуманистик ёндашувнинг бош ғояси. Олий психик тараққиётнинг маданий-тарихий назарияси.

Илмий тадқиқотлар методи ва методологияси ҳақида тушунча. Психологик тадқиқот тамойиллари. Психология фани методларининг бошқа фанлар методлари билан алоқаси. Психологиядаги субъектив ва обьектив муносабатлар муаммоси. Психологик тадқиқот босқичлари. Психология методлари классификацияси.

Ўзбекистонда психология фанининг ҳозирги ҳолати ва истиқболдаги ривожи. Замонавий психология фани ва амалиёти ривожининг асосий хусусиятлари. Замонавий психология фани ва амалиёти ривожланиши анъаналари.

Назарий, тадбиқий, амалий психологиянинг мазмуни ва уларнинг ўзаро ҳамкорлиги. Назарий ва амалий психология замонидага замонавий тадқиқотлар йўналишлари. Психологиядаги методологик инқирозлар. Психологиядаги номотетик ва идеографик ёндашувлар.

Психология фани контекстида олиб борилаётган соҳалараро тадқиқотларнинг ўзига хос хусусиятлари. Психология фани контекстида олиб борилаётган соҳалараро тадқиқотларнинг ўзига хос хусусиятлари. Психологиядаги соҳалараро тадқиқотларнинг илмий дастурлари. Генетик тадқиқотлар. Муҳандислик психофизиологияси ва псифизиология соҳасидаги тадқиқотлар. Этнопсихология ва социология оралиғидаги тадқиқотлар.

Шахснинг фундаментал муаммолари. Психологиядаги шахсга хос илғор концепциялар. Психологияда «шахс» муаммосининг қўйилиши. «Шахс мавжудлиги» психологик муаммо сифатида. Муомала ва фаолиятдаги шахс масаласи. Шахс менталитети. Шахс назарияларининг методологик асослари. Хориж ва мамлакатимиз психология фанидаги илғор шахс концепциялари.

Замонавий психология ва бола тараққиётига оид муаммолар. Хориж ва мамлакатимиз психологиясида бола тараққиёти муаммосига бўлган замонавий ёндашувлар.

Инсон онтогенезида вужудга келиш ва ривожланиш жараёнидаги ўзаро муносабатлар.

Инсон психикаси ривожининг даврийлиги ва босқичлилиги. Ёш даврлари ва инқирозларининг шахс тараққиётидаги аҳамияти. Бола тараққиётига оид хориж ва мамлакатимиз психологларининг замонавий қарашлари.

Таълим ва тарбия шахс тараққиётининг омиллари сифатида. Онг ривожи ва шахсдаги ўзини англаш жараёни.

Амалиётчи психолог фаолияти контекстида замонавий психологиянинг масалалари. Амалий психологиянинг методологик асослари. Болаларнинг психик саломатлиги ва психик тараққиёти. Оила ва бола шахснинг ривожланиши. Ёш даврлари ривожланиши контекстида саломатлик психологияси.

Амалий психологиядаги замонавий технологиялар.

Касбий фаолиятга замонавий психологик назар. Касбий фаолият – психология фанининг предмети сифатида. Касбий фаолиятнинг тузилмаси ва мазмуни. Фаолиятнинг психологик тизими генезиси. Касбий фаолият психологияси назарияси ва методологияси. Профессионализмнинг психологик асослари. Мехнат субъектига психологик тавсиф. Инсонни касбий

ривожлантириш моделлари. Профессионал шахс ривожланишининг асосий қонуниятлари.

## **6.2. Тадбиқий ижтимоий психология.**

Таълимдаги тадбиқий ижтимоий психология. Психология фанларини ўқитиш методикасининг предмети, мақсад ва вазифалари, психология курсини тузиш учун асос бўлган тамойиллар, психология фанларини ўқитиш методикасининг қонуниятлари, ўқитиш тамойиллари бўйича таълим тамойиллари. Энг муҳим дидактик тамойиллар ва олий мактабда ўқитиш тамойиллари.

Ўқув фаолиятини ташкил этиш шакллари, дарс типлари. Материалларни ўрганиш дарси, билимларни мустаҳкамлаш кўникма ва малакаларни шакллантириш дарси, умумлаштириш ва тизимлаштириш, билим, маҳорат ва кўникмаларни назорат қилиш ва тузатиш дарси.

Ўқитишнинг интерфаол усуллари, эвристик сухбат, баҳс усули, ақлий хужум, давра столи, ишбилармонлик ўйини усули, ижтимоий психологик тренинг.

Психология фанидан билимларни баҳолаш типлари, норматив баҳолаш, натижаларни тақсимлашга асосланган баҳолаш, психологияни ўқитишда билимларни назорат қилишнинг сўров усули, оғзаки, ёзма, психологияни ўқитишда билимларни назорат қилишда амалий топшириқларни бажариш, оғзаки, ёзма, эркин, дастурлашган, индивидуал, фронтал, персонал, эксперт, бир марталик, тақсимланган, психологияни ўқитишда билимларни назорат қилиш шакллари, коллоквиум, зачёт, имтиҳон, назорат иши, жорий баҳолаш, тест, рейтинг баҳолаш, БМИ.

Тадбиқий ижтимоий психология ва сиёsat. Психология ва сиёsat. Ички сиёsat, ташқи сиёsat ва халқаро муносабатлар сиёсий психологияси, ҳарбий-сиёсий психология.

Сиёсий ижтимоийлашув механизмлари, даражалари, асосий поғоналари ва тизими. Сиёсий онг ва тафаккурнинг генезиси ва ўзига хос жиҳатлари. Сиёсий фаоллик, сиёсий сусткашлик ва сиёсий бегоналашув. Сиёсий иштирок турлари ва мотивацияси. Сиёсий етакчининг ажralиб чиқиши ва сиёсий элита психологияси. Сиёсий етакчиликнинг психологик омиллари: устунлик ва бўйсуниш.

Омма сиёсий психологияси. Катта (миллий-этник) ва кичик гурухлар сиёсий психологияси. Ҳокимият психологияси. Психологик тўқнашувлар тавсифи. Хавфсизлик психологиясининг амалий жиҳатлари.

Иқтисодиёт соҳасидаги тадбиқий ижтимоий психология. Иқтисодий психология ва психологик иқтисод тўғрисида.

Иқтисодий психология: тарих ва бугун. Пул психологияси. Истеъмол психологияси. Тадбиркорлик психологияси. Маркетинг психологияси. Реклама

психологияси. Иқтисодиёт ва гендер психология. Маъмурий менежмент психологияси. Иқтисодий психология ва ижтимоий амалиёт. Иқтисодий социализация ва адаптация.

### Иқтисод психологияси.

Инсон саломатлигига оид тадбиқий ижтимоий психология. Саломатлик психологияси: фан ҳамда амалиёт сифатида. Соғлом бўлишнинг психологик асослари. Саломатликни таъминловчи зарур биологик ҳамда психологик босқичлар. Психологик мослашувчанлик ва мувозанатни баҳолаш мезонлари. Маънавиятлилик психологик саломатликнинг мезони сифатида. Ортобиотика ёки ортобиоз: фан ва амалиёт талқини. Ўзни қадрлаш ва саломатликни асрар мезонлари. Саломатлик гигиенаси ва профилактикаси.

Шахснинг ички (ўзи билан ўзи) руҳий конфликти.

## VII. Педагогик амалиёт

Қайта тайёрлаш ва малака ошириш курсларида педагогик амалиёт очиқ маъruzалар ва амалий машғулотлар ўтказиш, ўтилган дарсларнинг муҳокама қилиниши ва танқидий таҳлил этилишига асосланган ҳолда амалга оширилади.

Педагогик амалиёт қайта тайёрлаш ва малака ошириш йўналишлари ва мутахассисликларининг ўзига хослигидан келиб чиқсан ҳолда олий таълим муассасаларининг тегишли профиль кафедраларида ташкил этилади.

### Амалий машғулотларни ташкил этиш бўйича кўрсатма ва тавсиялар

Амалий машғулотларда тингловчилар ўқув модуллари доирасидаги ижодий топшириқлар, кейслар, ўқув лойиҳалари, технологик жараёнлар билан боғлик вазиятли масалалар асосида амалий ишларни бажарадилар.

Амалий машғулотлар замонавий таълим услублари ва инновацион технологияларга асосланган ҳолда ўтказилади. Бундан ташқари, мустақил ҳолда ўқув ва илмий адабиётлардан, электрон ресурслардан, тарқатма материаллардан фойдаланиш тавсия этилади.

### Мустақил таълимни ташкил этишининг шакли ва мазмуни

Мустақил таълим тегишли ўқув модули бўйича ишлаб чиқилган топшириқлар асосида ташкил этилади ва унинг натижасида тингловчилар битирув ишини тайёрлайди.

Битирув иши талаблари доирасида ҳар бир тингловчи ўзи дарс берадётган фани бўйича электрон ўқув модулларининг тақдимотини тайёрлайди.

Электрон ўқув модулларининг тақдимоти қуйидаги таркибий қисмлардан иборат бўлади:

- кейслар банки;
- мавзулар бўйича тақдимотлар;
- бошқа материаллар (фанни ўзлаштиришга ёрдам берувчи қўшимча материаллар: электрон таълим ресурслари, маъруза матни, глоссарий, тест, кроссворд).

Электрон ўқув модулларини тайёрлашда қуидагиларга алоҳида эътибор берилади:

- тавсия қилинган адабиётларни ўрганиш ва таҳлил этиш;
- соҳа тараққиётининг устувор йўналишлари ва вазифаларини ёритиш;
- мутахассислик фанларидағи инновациялардан ҳамда илгор хорижий тажрибалардан фойдаланиш.

Шунингдек, мустақил таълим жараёнида тингловчи касбий фаолияти натижаларини ва талабалар учун яратилган ўқув-методик ресурсларини “Электрон потрфолио” тизимиға киритиб бориши лозим.

### **Дастурнинг ахборот-методик таъминоти**

Модулларни ўқитиши жараёнида ишлаб чиқилган ўқув-методик материаллар, тегишли соҳа бўйича илмий журналлар, Интернет ресурслари, мультимедиа маҳсулотлари ва бошқа электрон, қоғоз варианнтдаги манбалардан фойдаланилади.

## **Адабиётлар**

### **I. Ўзбекистон Республикаси Президентининг асарлари**

1. Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. –Т.: “Маънавият”, 2008.–176 б.
2. Каримов И.А. Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида. –Т.: “Ўзбекистон”, 2011.–440 б.
3. Каримов И.А. Она юртимиз баҳти иқболи ва буюк келажаги йўлида хизмат қилиш – энг олий саодатдир. –Т.: “Ўзбекистон”, 2015. – 302 б.
4. Мирзиёев Ш.М. “Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини мард ва олижаноб ҳалқимиз билан бирга қурамиз” мавзусидаги Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига киришиш тантанали маросимига бағишланган Олий Мажлис палаталарининг қўшма мажлисидаги нутқи. – Т.: “Ўзбекистон”, 2016. – 56 б.
5. Мирзиёев Ш.М. “Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш – юрт тараққиёти ва ҳалқ фаровонлиги гарови” мавзусидаги Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 24 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маъruzаси. – Т.: “Ўзбекистон”, 2017. – 48 б.
6. Мирзиёев Ш.М. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қоидаси бўлиши керак. – Т.: “Ўзбекистон”. – 2017.– 102б.
7. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажагимизни мард ва олижаноб ҳалқимиз билан бирга қурамиз. – Т.: “Ўзбекистон”, 2017. – 488 б.

### **II. Норматив-хуқуқий хужжатлар**

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Т.: Ўзбекистон, 2014.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Харакатлар стратегияси тўғрисида”ги 4947-сон Фармони.
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 5 июлдаги “Ёшларга оид давлат сиёсати самарадорлигини ошириш ва Ўзбекистон ёшлар иттифоқи фаолиятини қўллаб-қувватлаш тўғрисида”ги 5106-сон Фармони.
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 12 июндаги “Олий таълим муасасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 4732-сон Фармони.
5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 2 февралдаги “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг қоидаларини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2752-сонли қарори.
6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 апрелдаги “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2909-сонли қарори.

7. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 26 сентябрдаги “Олий таълим муассасалари педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чоратадбирлари тўғрисида”ги 278-сонли Қарори.

8. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 20 августдаги “Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини оширишни ташкил этиш чора тадбирлари тўғрисида”ги 242-сонли қарори.

9. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 27 февралдаги “Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш курслари тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги 103-сонли қарори.

### **Ш. Махсус адабиётлар**

1. Майерс Д. Социальная психология, 2010
2. Myers D.G. Social psychology McGraw-Hill Education 2012
3. Андреева Г.М. Социальная психология. Учебник – М.: “Аспект Пресс”, 2003. – 364 с.
4. Каримова В.М. Ижтимоий психология. Дарслик – Т.: “Фан ва техналогиялар”, 2012, 172 б.
5. Фозиев Э.Г. Социал психология. Тошкент, 2013.
6. Кузмин Е.С. Основы социалной психологии ЛГУ 2001
7. Паригин В.Д. Основы социальной психологической теории М. 2001
8. Карандашев В.Н Методика преподавания психологии Учебное пособие. М.: Екатеринбург, Академия, 2007
9. Фозиев Э.Ғ. Психология ўқитиши методикаси Тошкент.: ЎзМУ 2005
10. Бадмаев М. Методика преподавания психологии Учебное пособие. М.: экатеринбург, Академия, 2007
11. Ҳайдаров Ф.И., Халилова Н.И. Психология фанларини ўқитиши методикаси ўқув қўлланма Т.: “Алоқачи” 2007 й
12. Фозиев Э.Ғ. Умумий психология 2012 й Т.

### **IV. Электрон таълим ресурслари**

1. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги: [www.edu.uz](http://www.edu.uz).
2. Ўзбекистон Республикаси Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитаси: [www.aci.uz](http://www.aci.uz).
3. Компьютерлаштириш ва ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш бўйича Мувофиқлаштирувчи кенгаш: [www.ictcouncil.gov.uz](http://www.ictcouncil.gov.uz).
4. Ўзбекистон Республикаси олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги хузуридаги Бош илмий-методик марказ: [www.bimm.uz](http://www.bimm.uz)

5. www.Ziyonet.Uz.
6. Infocom.uz электрон журнали: www.infocom.uz.

**“ИШЛАБ ЧИҚИЛГАН”:**

Олий таълим тизими педагог ва раҳбар  
кадрларни кайта тайёрлаш ва уларнинг  
малакасини оширишни ташкил этиш  
Бош илмий-методик маркази

Директор М.Ш. Бегимкулов



Ўзбекистон миллий университети

Ректор А.Р. Марахимов



М.ў.

**“КЕЛИШИЛГАН”:**

Янги дастурлар ва ўкув адабиётларнинг жорий  
қилинишини назорат қилиш Бош  
бошқармаси

Бошқарма бошлиги О.Ш.Исмоилов  
“ ” 201 й.

М.ў.



Ўзбекистон мінистерстүүнүн тармок (минтакавий)

маркази

Директор Б.Х.Эшчанов



Б.Х.Эшчанов

201 й.